

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**М.М.АЗИМОВА**

*Бектемир туман 293-Мактаб*

*Тарих фани ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, маънавий таҳдид, фуқаролик позицияси, девиант, деликвент.

### Аннотация

Ушбу мақолада бугунги глобаллашув шароитида маънавият ва маърифатнинг ўрни, умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилятлар, ёшлар онгини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари ҳақида сўз боради

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлод қалбида юрт тақдири учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида барча соҳалардаги ислохотлар, туб янгиланишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда. Янги давр шиддати ўз навбатида таълим-тарбияга аниқ ва қатъий талабларини қўймоқда. Чунки ислохотлардан кўзлаган пировард мақсад ва натижаларга эришиш кўп жиҳатдан кадрлар масаласига бориб тақалади. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган муносиб кадрларни тайёрлаш эса таълим-тарбия жараёнининг сифатига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда креатив фикрлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, юксак маънавиятли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, шу мақсадда таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида 2019 йил 23 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалаларга яна бир бор эътибор қаратилиши, хусусан, халқ таълими тизимини

ривожлантириш, педагогларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифаларнинг белгилаб берилгани эътиборга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида дунёда терроризм таҳдидлари ва унга қарши кураш ҳақида сўз юритар экан: “Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. ...Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”<sup>1</sup>. - дея таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдидлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборат. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли қарорида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар - эл-юрт

<sup>1</sup>Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. 20.09.1017. // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

тақдирга лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, глобаллашаётган дунё шиддат билан ўзгараётган, миллий ўзликни англаш, мустаҳкамлаш жараёнларига турли ёт ғояларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда миллий ғоя бўйича таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари мамлакатимиздаги янгиланиш суръатлари, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва кенг қамровли ислоҳотларнинг талабларидан ортда қолмоқда. Шу ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5465-сонли фармойиши қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли қарорига мувофиқ, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида «Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш белгилаб берилди<sup>3</sup>.

Дунё ҳамжамиятини қийнаётган глобал муаммолар билан бирга маънавий хатарлар – ёшлар орасида девиант, деликвент, криминал хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг содир бўлиши, гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, инсонлар билан ўзаро муносабатда ҳурмат, кенгфёллилик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларининг мавҳумлашиши, сепаратив хатти-ҳаракатларга ёшларнинг кириб қолиш ҳолатлари ўқувчи ва талабаларда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқ, касбга садоқат каби инсоний фазилатларни шакллантиришга эҳтиёж пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшлар билан ишлаш, уларда юксак ахлоқ, касбга

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг [қарори](#). Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил 29 июль.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон.

садоқат каби инсоний фазилатларни шакллантириш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш Концепцияси” ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусдан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия борасидаги ишларни тубдан такомиллаштириш, шу асосда талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш Концепциянинг асосий мазмунини ташкил этади.

Концепция ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини оширишнинг таъсирчан чораларини кўриш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлашнинг ташкилий-услубий асосларини яратишни кўзда тутди.

Зеро, ҳозирги давр ҳар кимдан кучли билим ва тафаккур эгаси бўлишни, замонавий ахборот технологияларидан унумли ва мақсадли фойдаланишни, ён атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустаҳкам фуқаролик позицияси билан ёндашишни талаб этади. Демак, ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон мавжуд хавфларнинг моҳиятини чуқур англаши, уларга нисбатан ўзида мафкуравий иммунитетни, “жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашишни тарбиялаб бориши шарт.

Шунинг учун мутахассислар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозимлигини қайд этилади:

- мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш;
- ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалиқдан шакллантириш;
- маънавий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш;
- шарқона ахлоқ меъёрларига риоя қилиш;
- таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, ҳозирги глобаллашув шароитида ёшларни турли маънавий таҳдидлардан, зарарли иллатлардан ҳимоялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бунинг учун эса, ёшларни маънавий жиҳатдан қуроллантириб бориш,

тахдидлар хусусида улар хавф туғдирмасидан аввал маълумотга эга бўлиб боришларига шароит яратиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. 20.09.1017. // [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг [қарори](#). Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил 29 июль.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон.